

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.06.12-24 «СУВ ОҚИМИНИ БОШҚАРИШ УЧУН СУВ ОМБОРЛАРИ.
ЛОЙИХАЛАШ ТАЛАБЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 ноябрда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 316]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.06.12-24 «Сув оқимини бошқариш учун сув омборлари. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2019 йил 4 декабрдаги 532-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.06.12-19 «Сув оқимини бошқариш учун сув омборлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в.б. Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 октябрь,
01/2-76-сон
Келишилди:

Сув хўжалиги вазири Ш. ХАМРАЕВ

2024 йил 15 октябрь

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.
АБДУХАКИМОВ**

2024 йил 2 октябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 9 сентябрь

ШНҚ 2.06.12-24 «Сув оқимини бошқариш учун сув омборлари. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Ушбу шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган сув оқимини бошқариш учун сув омборларини (бундан буён матнда сув омборлари деб юритилади) лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

Мазкур ШНҚ иссиқлик электр станцияларни сув билан таъминловчи сув омборлари, саноат корхоналарини ёнғин ўчириш ва технологик мақсадлар учун фойдаланиладиган сув омборлари ҳамда қолдиқ жинсларни сақлашга мўлжалланган сув омборларини лойиҳалашга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.06.01-24 «Гидротехника иншоотлари»;

ШНҚ 2.06.05-21 «Грунт материалларидан тўғонлар»;

ШНҚ 2.06.06-21 «Бетон ва темир-бетон тўғонлар».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

бьеф — сув объектининг (дарё, канал ва бошқалар) гидротехника иншоотига туташган қисми;

доимий сув босиш зонаси — табиий шароитларда дарёдаги сувнинг энг паст сатҳи бўйича белгиланган чегарадан то сув оқимини тўсиш натижасида кўтариладиган сатҳнинг нормал кўрсаткичигача бўлган ораликдаги сув юзаси остида қоладиган майдон;

сув омбори — сувни тўплаш, сақлаш ва унинг оқимини бошқариш мақсадида сув оқимининг йўлини тўсувчи иншоот ёрдамида ҳосил бўлган сунъий ёки табиий сув ҳавзаси;

сув оқимини бошқариш — сувдан фойдаланиш ва сув тошқинлари билан курашиш мақсадида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда қуйи ҳудудларда сувдан фойдаланиш учун сув оқими ҳажмини тегишли вақт оралиғида қайта тақсимлаш;

сувни муҳофаза қилиш зонаси — сув омборининг тикилиб қолиши, ифлосланиши ва тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан лойқаланишнинг олдини олиш ҳамда қулай сув режимини таъминлаш мақсадида сув омборига туташган махсус ҳудуд;

тўғон — сувнинг сатҳини кўтариш ва сув омборининг бошқариладиган ҳажмини яратишга мўлжалланган сув оқимининг йўлини тўсувчи иншоот.

3-боб. Умумий қоидалар

1-§. Сув омборларини таснифлаш

3. Сув омборлари жойлашувига қараб қуйидагиларга бўлиниши лозим:

сойликларда, шу жумладан вақтинчалик сув оқимларида тўғон ёрдамида ҳосил бўладиган ўзанли сув омборлари;

рельефнинг табиий ва сунъий тапшил қилинган (марзалар ҳосил қилиш натижасида юзага келадиган) пастликларда бунёд қилинадиган сув омборлари;

кўлдан оқиб чиқадиган дарёга тўғон қуриш йўли билан ушбу кўлларнинг сувини етказиб бериш ва ўзаро сув алмашувини сунъий бошқариш натижасида ҳосил бўладиган сув омборлари.

4. Сув омборларининг ҳажм бўйича таснифлаш қуйидагича бўлиши керак:

йирик сув омборлари — тўла ҳажми 1 km^3 , ($1,0 \text{ млрд m}^3$) ва ундан кўп, сув юзасининг майдони 50 km^2 ($5,0 \text{ минг ha}$ ўзи ҳам) ва кўп;

ўртача сув омборлари — тўла ҳажми $0,1 \div 1 \text{ km}^3$, сув юзасининг майдони $5 — 50 \text{ km}^2$ гача;

кичик сув омборлари — тўла ҳажми $0,1 \text{ km}^3$ дан кам.

2-§. Сув омбори таркиби

5. Сув омборлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

тўғон;

марза ҳосил қилиш йўли билан қурилган кўтармалар;

сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотлари.

Тўғон ва унинг конструкцияларининг турлари техник-иқтисодий таққослаш асосида қурилиш майдонининг топографик, гидрологик ва муҳандислик-геологик шароитлари ва табиатни муҳофаза қилишни инобатга олган ҳолда танланиши лозим.

Сув омборлари тоғли ёки тоғ этагидаги ҳудудларда жойлашган бўлса, ушбу сув омбори яқинида тош, шағал (майда тош) захираларининг мавжудлигига қараб, гил-тупроқли, ядроли тош-тўкмали ва тош-тупроқли тўғонларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

Тўғонларни лойиҳалаш ШНҚ 2.06.05-21 ёки ШНҚ 2.06.06-21 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

Сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотларини лойиҳалаш ШНҚ 2.06.01-24 га мувофиқ амалга оширилади.

6. Сув омборининг таъсири остидаги зоналарга қуйидагилар киритилиши керак:

доимий сув босиш зонаси;

вақтинчалик сув босиш зонаси;

қисман сув босиш зонаси.

Ёз-куз даврида сув босиш зонасидаги энг паст сатҳлар учун дарёдаги сувнинг максимал сарфи 10 фоизни ташкил этилишини (10 йилда бир марта содир бўлиши), бунда сув оқимини тўсиш натижасидан ҳосил бўладиган сатҳ кўтарилишининг эгри чизигини ҳисобга олиш керак.

3-§. Сув омбори гидротехника иншоотларининг хизмат қилиш муддати

7. Сув омбори гидротехника иншоотларининг хизмат қилиш муддати уларнинг синфларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагидан кам бўлмаслиги зарур:

I ва II синф иншоотлар учун 100 йил;

III ва IV синф иншоотлар учун 50 йил.

8. Сув омбори гидротехника иншоотларининг синфлари ШНҚ 2.06.01-24 га мувофиқ белгиланиши керак.

Суғориш учун мўлжалланган сув омборлари ўлчами унинг қосасининг ҳажмига қараб қабул қилиниши лозим.

4-боб. Сув омбори ўзани бўйича талаблар

9. Суғориш учун сув олиш манбаи сифатида реконструкция қилинаётган сув омборидан фойдаланишга йўл қўйилади.

10. Сув омбори ҳудудида автомобиль йўлларини қайтадан барпо этиш йирик масштабли картографик маълумотлар асосида аниқланиши керак.

11. Сув омборларида мавжуд темир йўллар ва уларнинг иншоотларининг техник ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида лойиҳада қуйидагилар назарда тутилиши керак:

мавжуд темир йўл кўтармасини реконструкция қилиш (ердан маълум баландликка кўтариш) ёки сув омборини айланиб ўтган янги йўл қуриш;

мавжуд темир йўл излари ва уларга тегишли иншоотларини тўлиқ ёки қисман сув босишдан ва қирғоқлар ўпирилишини муҳандислик воситалари ёрдамида ҳимоялаш.

5-боб. Сув омборидан фойдаланиш бўйича талаблар

12. Сув омборининг иш режимида қуйидагилар таъминланиши лозим:

сув оқими йўлини тўсувчи иншоотларнинг ва сув омбори қирғоғи яқинидаги турар жойларнинг хавфсизлиги;

сув истеъмолининг тасдиқланган графигига мос равишда сув билан таъминлаш.

13. Сув омборини сув билан тўлдириш ва ундан сувни батамом чиқариб юбориш тўғоннинг корпусида хавфли деформациялар пайдо бўлишига йўл қўймайдиган, қиялик сиртларининг мустаҳкамлиги ва маҳкамловчи мосламаларнинг яхлитлигини таъминлайдиган ҳолатда бажарилиши керак.

14. Сув омборини сув билан тўлдириш ва ундан сувни батамом чиқариб юборишнинг лойиҳада тавсия этилган тезлиги уни фойдаланиш жараёнида махсус тадқиқотлар ёрдамида аниқлаштирилиши керак.

15. Қиш даврида сув сатҳининг тебранишлари муз қатлами ҳаракатланишини келтириб чиқармаслиги керак.

16. Сув омборини тўлдириш ва сув сатҳини керакли даражада пасайтирилишининг графиклари сув омборининг фойдали ҳажмидан самарали фойдаланишни, шунингдек мавсумий тошқинлар оқими ўтказилишини таъминлаши керак. Бу графиклар сув омбори лойиҳаси таркибида тузилган бўлиши лозим.

6-боб. Сув омбори ва унинг ҳудудида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

17. Сув омбори ва унинг ҳудудида ўсимликлар, балиқлар, ҳайвонлар, қушларнинг ноёб турларини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

18. Сув омборини лойиҳалашда қирғоқларнинг емирилиши ва сув омборининг лойқа босиши, тупроқ кўчкларининг ҳосил бўлиши ва фаоллашувини ҳисобга олиш керак.

19. Сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги сув омборининг аҳамияти, унга туташ ерларнинг хусусиятлари, жойнинг рельефига қараб белгиланиши ва қуйидаги қийматларга эга бўлиши керак:

тўла ҳажми 1 km^3 ($1,0$ млрд. m^3) сув юзасининг майдони 50 km^2 ($5,0$ минг га ўзи ҳам) ва ундан катта бўлган йирик сув омбори атрофида — 300 m дан 500 m гача;

тўла ҳажми $0,1$ — 1 km^3 майдони 5 — 50 km^2 гача бўлган ўртача сув омбори атрофида — 100 m дан 300 m гача;

тўла ҳажми $0,1 \text{ km}^3$ дан кам бўлган кичик сув омбори атрофида — 100 m гача.

20. Сув омборида балиқлар боқиб кўпайтирилганда қуйидагилар бажарилиши керак: сув омбори зонасида сувнинг гидрологик, гидрохимик ва ҳарорат режимини бир маромда ўзгартириш;

сувнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, агар сув ифлосланган бўлса, ифлосланиш манбаларини зудлик билан бартараф этиш;

балиқ увилдирик қўядиган майдонлар таъминланиши;

балиқ увилдирик ташлайдиган майдонларнинг қуриб қолишини олдини олиш учун қуйи бьефга сув ўтказилишини бошқариб туриш;

сув тақсимловчи иншоотларни ташкил қилиш ва балиқларнинг мавсумий кўчиш йўлларини тозалаб туриш;

сув омборининг сатҳлар режимини жорий этиш ва балиқчилик маҳсулдорлигини ошириш учун оптимал ем базасини ташкил қилиш ҳамда сақлаиб қолган увилдирик ташланадиган майдонлар мелиорациясини амалга ошириш.